



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 13 январь, № 8 (7238)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуроли Кучларимизнинг мухтарам faxрийлари!

Кадрли юртдошлар!

Сизларни, сизларнинг тимсолингида бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу кутлуг айёмда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек улуг ишга бағишлаган сиз, азму шижоатли ҳарбийларимизни шарафлаб, халқимиз, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги хизматларингиз учун барчангизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Мутафаккир шoir Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва халқини муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир.

Биз сизлар билан — ана шундай гоят масъулиятли ва олижаноб вазифани шараф билан адо этиб келаётган мард ва жасур, эл-юртга садоқатли ўлjonларимиз билан ҳақиқи равишда фахрланамиз.

Айнан сизларнинг ерда ва кўкда, сувда ва қуруқликда олиб бораётган мардона хизматларингиз туфайли осмонимиз мусаффо, болаларимиз, муътабар оналаримиз, кексаларимиз хотиржам яшамокда, юртимиз обод, халқимиз ҳаёти фаровон бўлмокда.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз фарзандларини — Қуроли Кучларимизнинг аскар ва офицерларини Алпомишдек ботир, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаган барча ота-оналарга, ҳарбийларимиз билан ҳаёт кувончи ва ташвишларини доимо баҳам кўриб келаётган уларнинг рафиқалари ва оила аъзоларига катта раҳмат айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Мухтарам ватандошлар!

Мана шу байрам кунларида барчамиз Ватан, халқ ва армия бири-бирига нақадар яқин ва муштарак эканини ҳар қачонгидан ҳам теран ҳис этмокдамиз.

Бу борада армия ва халқ бирлигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги тузилма — ҳарбий-маъмурий секторлар барча ҳудудларда самарали фаолият юритаётгани гоят муҳим аҳамиятга эга бўлмокда.

Ана шундай ислохотлар туфайли **“Армия ва халқ — бир тану бир жон!”** деган олижаноб гога ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмокда. Бу эса Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан яққол далолат беради.

Кадрли дўстлар!

Дунё миқёсида халқаро терроризм, экстремизм каби хавфхатарлар, миллий ва глобал хавфсизликка қарши таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда Қуроли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш энг устувор вазифамиз бўлиб қолмокда.

Давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича қатъий позициясини ифода этадиган янги Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди. Амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида миллий армиямиз тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир бўлган жанговар кучга айланиб бормокда.

Барчамиз яхши англаймиз: бу борада ҳар бир ҳарбий хизматчининг профессионал билим ва малакаси, ақлий салоҳияти, руҳий тайёргарлигини ошириш, уларда ватанпарварлик фазилатларини қамол топтириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз давлатимиз мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашга, Ватан ҳимоячилари, уларнинг оилалари учун

муносиб ҳаёт шароитларини яратишга бундан кейин ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Масалан, 2019 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли кредитлар асосида 116 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади. Ҳарбий хизматчиларнинг 700 дан зиёд фарзандлари олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, ҳарбий шахарчаларни обод қилиш, уларнинг ҳудудда замонавий инфраструктура барпо этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади.

Халқимизнинг **“Билаги зўр бирни енгади, билими зўр — мингни”** деган мақолида чуқур маъно бор. Шу нуқтаи назардан, Қуроли Кучларимизни модернизация қилиш, хусусан, ҳарбий таълим соҳасига замонавий билим, илғор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Айни вақтда шахсий таркиб ўртасида миллий ўзликни англаш ва жанговар руҳни, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Шу мақсадда ёш аскар ва курсантлар учун ҳарбий қасамёд қабул қилишдан аввал “Ўзбекистон тарихи” фани ва “Темур тузуклари” китоби

бўйича синов ўтказиш тартибинини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ушбу соҳадаги кадрият ва анъаналаримизни тарғиб этиш, аскар ва офицерларимизнинг замон ҳаётининг сифатидаги қиёфасини бадиий асарлар, спектакль ва фильмлар орқали кенг ёритиб бериш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада таниқли олимлар, адиб ва шоирларимиз, ижодкор зиёлилар, маданият намояндалари янада самарали фаолият олиб борадилар, деб ишонч билдираман.

Кадрли юртдошлар!

Мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!

Сизларни ота-оналарингиз, оилаларингиз, бутун халқимиз билан биргаликда кенг нишонлаётган бугунги шону шараф айёми — Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга сийхат-саломатлик, оилавий бахт, олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Барчангизга эл-юртимизнинг юксак меҳри ва ишончи доимо ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуроли Кучлар
Олий Бош Қўмондони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш ишларига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Гопоров Мираббос Турғуналиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Дусимбетов Ахмаджон Бахтиярович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Якубов Журъат Амангелдиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

«Дўстлик» ордени билан

Аракелян Армен Арамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

Тян Александр Вячеславович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бўлим бошлиғи

Шувалов Вячеслав Станиславович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати бошқарма бошлиғи

«Мардлик» ордени билан

Игамбердиев Фаррух Рихсибаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Матмуратов Сардор Багандикович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

(Давоми 2-бетда). ➡➡➡

БУЮК МУҲАДДИСЛАРНИ КАМОЛГА ЕТКАЗУВЧИ МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Сўнгги икки йил мамлакатимиз ҳаётида юксалишларга бой бўлди. Республикаимиз раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат узоқ-яқин давлатлар билан дўстона алоқаларимизни янада яхшилашга хизмат қилмокда.

Муносабат

Иқтисодий-ижтимоий соҳада юз берган ўзгаришлар одамларимизнинг турмуш даражаси яхшиланиб боришини таъминлапти. Таълим соҳасида бўлаётган янгилар ҳам ёшларнинг хурсандчилигига сабаб бўлаётди. Айниқса, диний-маърифий соҳада қатор ислохотлар амалга оширилмокдаки, бундан юртимиз аҳолиси ҳам, хорижий маърифатпарвар инсонлар ҳам беҳад мамнун бўляпти. Хусусан, мамлакатимизга ташриф буюриб, бу ердаги ўзгаришлар билан

яхши танишган, уламоларимиз, имом-хатибларимиз билан ҳамсухбат бўлган хорижий номдор алломалар — Шайх Аҳмад Таййиб, Муҳаммад Аввома ва бошқаларнинг қанчалик ҳавас қилиб кетганига ўзимиз гувоҳимиз. Ватанимиз равнақи, миллатимиз келажагини илми бутун ёшлар тимсолида кўрган Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилди.

Бизнинг суҳбат

ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТЛИ ВА МУРАККАБ

Лекин уларнинг ижроси учун
имкониятлар етарли.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига амалга оширган ишчи ташрифи чоғида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёевнинг тавсияси халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан қўллаб-қувватланди. Эркинжон Турдимов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Республикаимиздаги йирик ҳудудлардан бирининг раҳбари муҳбиримиз саволларига жавоб берди.



— Эркинжон Оқбўтаевич, сиз Президент тавсияси билан шундай масъулиятли лавозимга тайинландингиз. Ҳўш, бу юксак ишонч масъулиятини қандай ҳис қилдингиз?

— Давлат томонидан билдирилган бундай юксак ишонч, аввало, минглаб одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, турмуш тарзини кўтариш, дунёда мамлакатимиз нуфузи ҳамда рақобатдошлигини оширишга қаратилган улкан дастурларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган масъулиятдир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан вилоятларга ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича тобора катта иқтисодий имкониятлар ҳамда преференциялар тақдим этиляпти. Бунинг натижасида минтақалар давлатнинг ижтимоий-иқтисодий драйверларига ҳамда ҳаётнинг барча жаҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг сифат кўрсаткичларига айланаяпти. Бу вилоятлар, шахарлар ва туманлар раҳбарларига мамлакатнинг замонавий тараққиёт босқичида

муҳим ҳамда масъулиятли вазифа юклайётганини англайди.

Олдимизда оддий бўлмаган, лекин сай-харакатларни бирлаштирган ҳолда ечиладиган вазифалар турибди.

Бугун одамларнинг дунёқараши шиддат билан ўзгармокда, жамиятимиз янада очик бўлиб бораётди. Бинобарин, аҳоли билан мулоқотни давом эттириш муҳимдир. Зотан, халқ билан мулоқот одамларини ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаш ва уларга амалий ечим топиш имконини беради.

Давлат раҳбари Ўзбекистондаги ҳар бир инсон, миллати, тили ва эътиқодидан қатъи назар, эркин, тинч ҳамда фаровонликда, ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашдек олижаноб мақсадни қўйди. Ушбу эзгу ниятларга эришиш учун ҳар бир ҳудуд раҳбари шахсан жавобгар, деб ҳисоблайман.

— Яқин истиқболдаги амалий фаолиятингизда ўз олдингизга қандай устувор вазифаларни қўйгансиз?

— Умуман олганда, олдимизда замонавий корхоналар, янги иш ўринлари яратишга инвестициялар йўналтириш, аҳолининг маиший муаммоларини ҳал қилиш, замонавий талабларга жавоб берадиган таълим, илмфан тизимини шакллантириш, рақамли технологияларни комплекс татбиқ этиш йўлидаги машаққатли меҳнат турибди.



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

АРМИЯ ВА ХАЛҚ — БИР ТАНУ БИР ЖОН!



Ватанин муқаддас, деб билган инсон борки, унинг бугунги ютуқларидан қувонади, эртанги келажагидан қайғуриб яшайди. Зеро, юрт тақдири халқ тақдири билан қамбармас бог'иқ. Шу маънода, Ватанимиз оёсийишталигини таъминлашдек шарафли ишга ўз ҳаётини бахшида этган инсонлар меҳнати ҳар қанча эътирофу рағбатга лойиқ.



НОРАСИДАЛАР НАСИБАСИГА ХИЁНАТ

Мактабгача таълим муассасаларидаги талан-торожликлар фoш этилди.

Коррупция ва жиноятчилик жамият тараққиётига рахна солади, инсон ҳуқуқларини поймол этиб, тинч ҳамда фаровон ҳаётга занг туширади. Шу боис мамлакатимизда мазкур иллатларга қарши кескин кураш олиб бориломқда.

Долзарб мавзу

Натижада жиноятлар ўз вақтида аниқланиб, қонунбузарларга тегишли чоралар кўриляпти. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ички аудит хизматининг 2018 йил давомида бу борада амалга оширган ишлари қинғир ишнинг қийғи қирқ йилда ҳам чиқиси ҳақидаги халқимизнинг пурмаъно ҳикматида нақадар катта ҳаётий ҳақиқат мужассам эканини яна бир бор кўрсатди.



2018 йилда мактабгача таълим муассасаларида ўтказилган аудит текширувлари натижалари



Хоразм вилоятининг Янгиерик туманидаги 5-МТМда электрошит хонасига яширилган алюминий чойнақ ўғирланган гўшт билан лиқ тўла эди.

2018 йил якуни бўйича 11 млрд. сўмлик молиявий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган

278 та ўрганиш ҳужжати қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилган



Шайх Абдулазиз МАНСУР,
он муслмонлари идораси
раиси ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 27 йиллигига

АРМИЯ ВА ХАЛҚ — БИР ТАНУ БИР ЖОН!



Эътибор

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан йўллаган байрам табригида “Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича ўзининг кўлами ва миқёсига кўра мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Худудларимизда узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар бериш асосида кўп қаватли уй-жойлар босқичма-босқич барпо этилмоқда. Биз бу ишларни доимий равишда давом эттирамиз”, дея таъкидлаган эди.

Ҳақиқатан ҳам, ана шу сўзларнинг амалий ифодасига ҳар бир вилоятда жадал олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун бирин-кетин тақдим этилаётган замонавий тураржойлар мисолида гувоҳ бўлмоқдамиз. Яқинда Бухорода шундай қувончли тадбир иштирокчисига айландик. Гап шундаки, вилоят марказида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ҳарбий хизматчиларига мўлжаллаб қурилган беш қаватли учта уй фойдаланишга топширилди.

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ — ЮРТ РАВНАҚИ

Сержант Адизмурод Алларов ушбу хонадонлардан бирининг соҳиби бўлди.

— Янги йилни янги уйда кутиб олиш одамнинг кайфиятига барибир бошқача таъсир қиларкан, — дейди у. — Жуда хурсанд бўлдик. Табриклашга келаётганлар шароитларни кўриб, ҳавас билан қарашяпти. Имкониятлар ростдан ҳам зўр. Болаларимиз-

нинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун яратилган қулайликларни айтмайсизми? Байрам дастурхони атрофида ёши улугларимиз юртимизга тинчлик-омонлик сўраб дуолар қилишди. Эзгу ниятлар билдирилди. Ҳаммамизнинг истагимиз шу — оқсоқилларни бўлсин.

Давлатимиз томонидан биз, ҳарбий хизматчиларга кўрсати-

лаётган бундай юксак эътибор, албатта, зиммамизга янада улкан масъулият юклайди.

Янги уйли бўлганлар қаторида ўз хизмат бурчини ўташ чоғида мардларча ҳалок бўлган Умрзоқ Болтаевнинг турмуш ўртоғи Дилназов Тўхтаева ҳам бор.

— Шу эзгу ишнинг бошида турганлардан миннатдорман,

— дейди икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказётган бу аёл. — Оиламизга янги уй ажратишганидан ташқари уни жиҳозлаб ҳам беришди. Бу яхшиликни асло унутмайман.

Янги уйлар умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаси қурилган ҳудудда жойлашган. Бу ҳарбий хизматчилар-

нинг фарзандлари мактаб ва боғчага бемалол пиёда қатнашларига имкон беради. Бунинг устига уларнинг олд тарафига қурилган болалар майдончаси бўш вақтнинг мазмунли ўтишини таъминлайди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Фахр

Мамлакатда тинчлик-осойишталик бўлмаса, ҳеч нарса татимайди.

Шундай экан, биз, Ватан посбонлари шу юрт учун, шу халқ учун қанча жон куйдирсак, хавфсизлигини таъминласак, шунча кам.

Сир эмас, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ана шундай шарафли ва масъулиятли ишларда фаол қатнашиб келаётир. Айниқса, жамоат тартибини сақлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишлари ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ҳамкорликда тизимли таъминланапти. Бунда “Хавфсиз шахар”, “Хавфсиз туризм”, “Хавфсиз хонадон” лойиҳалари жорий қилингани ҳам алоҳида аҳамият касб этяпти.

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ — МИЛЛАТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Президентимиз мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида шу ҳақда тўхталди. Жумладан, жамоат хавфсизлиги ва шахсий мулк дахлсизлигини таъминлашга Ички ишлар вазирлиги билан Миллий гвардия ҳам баб-баравар жавоб беришини таъкидлади.

Фаолиятимиз ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ўтган йилнинг июль ойидан Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари

“Хавфсиз пойтахт” концепциясида белгиланган вазифаларни амалга оширишга киришган эди.

Бугунги кунда пойтахтимиз ҳудуди бўйича жамоат тартибини сақлаш учун Миллий гвардия бўлинмаларидан 700 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчилар жалб қилинган. Уч сменада туну кун хизмат ташкиллаштирилган. Бу маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Жамоат жойлари ва кўчаларда 200 миндан

ортиқ видеокузатув ускуналари ўрнатилган.

Ҳамкор идоралар билан биргаликда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган 1100 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Натижада 163 мингдан зиёд ҳуқуқбузарликлар, 103 та оғир ва ўта оғир, 20 дан ортиқ бошқа турдаги жиноятлар аниқланди.

Жорий йилда мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш чораларини янги босқичга кўтариш борасида долзарб вазифаларни белгилаб олдик. Хусусан,

ҳар бир ҳудуднинг ҳуқуқбузарликка қарши курашда ўз тажрибасини яратиш, соҳага янги инновацион лойиҳаларни татиқ қилиш ҳам кўзда тутилган.

Энг асосий мақсадимиз эса халқимиз осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш орқали уларнинг ишончини қозониш, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг умуман содир этилмаслигига эришишдир. Бунинг учун бор куч ва билимимизни сафарбар этамиз.

Ш. ШАКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
қўмондон ўринбосари.

Ҳасан ГАЙДИРОВ олган суратлар.



«ВАТАНПАРВАРЛАР БОҒИ»

ёшларимизни юртга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади

Қарши шахрида бунёд этилаётган “Ватанпарварлар боғи” аҳолининг Қуролли Кучларимиз ҳақидаги тасаввурини янада бойитадиган, айниқса, ёшларда ҳарбийлик касбига ҳавас уйғотадиган, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган масканга айланмоқда.

Бунёдкорлик

Айни пайтда бу ерда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кун олдида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Умумий майдони 7 гектардан зиёд бўлган боғ қурилиш лойиҳаси ва дизайни, қулайликлари жиҳатидан мамлакатимиздаги бошқа историк таъмирланган мутлақо фарқ қилади. Унда Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган ҳарбий техника ва самолётлар намуналари экспонат сифатида жойлаштирилган. Йўлақлар бўйлаб юрар экансиз, Қуролли Кучларимизда мавжуд



қудратли ҳарбий техникалар, самолёт ва вертолётлар, танк, бронетранспорт воситалари эътиборни тортади. Уларни бемалол томоша қилиш, техник имкониятлари, бошқарув усуллари билан яқиндан танишиш мумкин.

ниладиган ҳарбий хандак, унга жойлаштирилган алоқа воситалари, қурол-яроғлар кишида ҳарбий амалиёт майдонига оид тасаввурларни гавдалантиради. — “Ватанпарварлар боғи”даги сайримиз жуда мазмунли,

унутилмас таассуротларга бой бўлди, — дейди қаршилиқ Жасур Жалилов. — Барча ҳарбий техникаларни томоша қилдик. Шаҳримизда шундай ажойиб маскан барпо этилаётганидан жуда мамнунмиз.

— Ҳарбий соҳага болаликдан қизиқишим баланд. Шу боис лицейимизда фаолият кўрсатаётган ҳарбийлашган махсус гуруҳга аъзо бўлганман, — дейди Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Сирож Маматкулов. — Боғдаги ҳарбий техникаларни катта қизиқиш билан томоша қилдим. Келгусида яхши ўқиб, жисмонан чиникиб, мен ҳам, албатта, ҳарбий хизматчи бўламан.

Боғда қад ростлаган шарқона услубдаги музей ташқи томондан Амир Темур ва ундан кейинги даврларда қурилган сарой иншоотларини ёдга солади. Бино атрофидаги муҳит ҳам тарихий қиёфа касб этиб, улугвор



бино ичкарасида мамлакатимиз ҳарбий тарихига оид буюмлар, расмлардан иборат экспонатларни томоша қилиш мумкин. Худудда барпо этилган очик сув хавзаси ҳам ўзига хос иншоот. Унга ўрнатилган фавворалар сувни 30 метрдан 50 метр баландликкача кўтариб, ажиб манзара ҳосил қилади. Фавворалар атрофида эса ҳарбий қайик ва катерларда саёҳат қилиш кишига ўзгача завқ бахш этади.

Президентимиз яқинда Қаш-

қадарё вилоятига ташрифи чоғида “Ватанпарварлар боғи”ни бориб кўрди ва уни янада замонавийлаштириш, мавжуд имкониятлар, инновацион ғоялардан унумли фойдаланиш юзасидан мутахассисларга топшириқлар берди. Айни пайтда ана шу кўрсатмалар асосида бунёдкорлик ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Муаллиф олган суратлар.

Шамсиддин Воҳидов эса

ўтган йили Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида шахмат бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида рапид ҳамда блиц йўналишида ўтказилган жаҳон чемпионатида амалдаги жаҳон чемпиони, норвегиялик халқаро гроссмейстер Магнус Карлсенни мағлубиятга учратган эди.

Шавкат ОРТИҚОВ.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 61 229 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Набатчи — Д. Қаримов.
Мусахҳас — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 18.00 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6